



БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАҲИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 99 (4090). | Пайшанба, 22 май, 1969 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ОНАХОН ПИЛАЧИ

Хали тушлик бўлганча йўл. Ешгина йигитча мотоциклини ариқ бўйига қўйиб, йўл ёқасида тут барги кесарди. Ҳорма бор қилишди. Буниш илқик кўрти боқиб бригадасидан ярим кўти уруғ олибди. Эртадан кечгача, хатто туилари ҳам шу кўртга қараркан.

Йигитча қирққан барглари мотоцикл аравасига авайлаб орди. У билан бирга йўлга равои бўлди. Халл ўтмай йўлға етказиб борди. Сердарахт қишлоқ кўчасидаги кўш табақали дарвоза олдида нуруний она билан колхоз партия ташкилотининг секретари Бекмурза Холмурзаев гапдашиб тураркан.

Ичкарига кирдик. Бир уй, бир даҳлига сўчаклар ури-тиб, кампир кўрт боқар эканлар. Онахон кўртларга бир сидра барг солиб чиққаларидан сунг, бироз гапдашиб ўтирдик. Кекса она — Қўзибоби Қўлиатова расо саксон ёнга кирибди-лар. Барг ташибди йигитча онахоннинг энг кичик набираси Тошпўлат эди.

Онахон жуда тетиклар. Бу йилги режалари катта. Илқик кўртини барвақт пилла ўратиб, давлат хазинасига мўл-кўл пилла топириш ниятидалар.

Мўтабар онахон тайёрлаётган бебаҳо кумуш тола улуг дохилимиз В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллик тўйига муносиб тўнади.

С. УМАРОВ.

Янгийўл районидagi Ленин номи колхоз.

Ўртоқ Хошим Бекмуродов бошлиқ бригада Янгийўл районидagi Жданов номи колхозда пешқадмлар сафидан ўтиш олган. Пахтакорлар 162 гектар ерининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил ештириш учун астойдил меҳнат қилишгилар. Улар ўзгани дастлабки парваршидан сифатли чиқардилар. Ягонаш иллариин ҳам кучайтириб юбордилар. Суратда: (чапдан) бригада бошлиғи Х. Бекмуродов ва агроном А. Чупонов ўртоқлар. Улар ўзга парваршининг сифатини кўздан кечираётдилар.

Қ. Розиков фотоси. ЎЗТАГ.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ИШЛОВ СОЗ

Оржоникидзе районидagi «Қишлоқ Ўзбекистон» колхозини пахта ештиришда район ҳўжалари ичида салмоқли ўринини эгаллайди. Бу ерда гектар бошига ештириладиган ҳосил йилдан-йилга охиб бормоқда.

Бу йил ҳам колхозчилар ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» топириш учун ғайрат қилишгилар. Ҳўжаликда экин қисқа вақтда сифатли ўтказилди. Ҳамма пайкалларда уруғ текис униб чиққан. Колхозчилар тула қарталар учун курашиб, ўзга парваршини кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Айниқса М. Султонов, И. Бердиёров, А. Пиреконов, М. Каримов ўртоқлар раҳбарлик қилган бригада ва участкаларда қатор ораларига ишлов бериш илғор агротехника қондаларига тула амал қилинган ҳолда олиб боришмоқда.

Ўзгани култивация қилиш билан бир вақтда минерал ўғит ҳам солиняпти. Пешқадм механизаторлар кундалик култивация қилиш топиригини ошириб адо этаптилар. Ниҳолларни чопиш, ягона қилиш иллари ҳам қизгин тус олди.

И. РЎСТАМСҒ.

ПАРВАРИШ ҚИЗГИН

Кейинги кунларда Янгийўл районидagi «Ленинизм» колхозини даладари яшилмоқ кетди. Қўзғина майдонларда — ўзга барг уриб ўсиб, қўзи қўзғинамоқда. Қўш тафтидан баҳраманд бўлаётган қўчалар кундан-кунга бўйига-бўй қўшаётди.

Колхозчилар барча қарталлардаги ўзгаларини парварши қилишга киришдилар. Механизаторлар кундан-кунга култивацияни жаддалаштирмоқдалар. Қатқалоқ бўлган майдонларда эса тракторлар қўзғиналганга юрляпти. Қир ерлардаги ўзгаларни сўғиришга тайёргарлик қўриляпти. Колхозчилар ариқ олашгилар. Ҳўжаликларда чигит ташлангилар, Қозоқбой Ризаев, Карим Йўлдошев, Абдумов, Э. ТОШМУРОВО.

ЭКИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 21 МАЯГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Процент ҳисобида)

Биринчи стун — бир кунда, иккинчи стун — мавсум бошидан бери экилган.

МАККАЖҲОРИ			ШОЛИ		
Калинин	0,8	103,9	Калинин	14,0	87,5
Оржоникидзе	—	95,6	Юкори Чирчиқ	7,4	68,2
Оқўрғон	7,1	83,1	Ўрта Чирчиқ	6,5	36,1
Янгийўл	—	82,7	Янгийўл	3,2	33,9
Юкори Чирчиқ	5,9	77,2	Бўна	8,4	31,6
Янгийўл	0,7	75,4	Оржоникидзе	1,3	29,2
Бўна	1,0	73,7	Оқўрғон	5,7	20,1
Бекобод	3,5	60,1	Бекобод	3,3	19,9
Бўстонлиқ	0,9	58,4	Бўстонлиқ	—	17,0
Область бўйича	2,4	78,6	Область бўйича	5,7	30,4

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

Н. В. ПОДГОРНИЙ УЛАН-БАТОРДА

УЛАН-БАТОР, 20 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетини Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Советини Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бугун Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикасининг Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал ва Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетини Сиёсий Бюросининг аъзоси, Монголия Халқ Республикасини Буюк халқ хурали президиумининг раиси Ж. Самбу ҳузурда бўлди.

Н. В. Подгорний, Ю. Цеденбал ва Ж. Самбу ўртоқлар ўртасида бўлган суҳбат қардошларча дўстлик вазиётида ўтди.

УЛАН-БАТОР, 20 май. (ТАСС). Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетини, Монголия Халқ Республикасини буюк халқ хурали президиуми ва Монголия Халқ Республикасини Министрлар Советини бугун СССР Олий Советини Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний шарафига тушунча эълон қилинди. Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикасини Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал билан Н. В. Подгорний эълонда нутқ сўзладилар.

А. Н. КОСИГИН БИЛАН У. К. КЕКОНЕННИНГ ЛЕНИН-ГРАДДАГИ УЧРАШУВИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ўзаро келишувга биноан, 19—21 майда Ленинградда Финляндия республикасининг Президенти Урхо К. Кекконен билан гайрирасмий равишда учрашди.

А. Н. Косигин билан У. К. Кекконен бу учрашув вақтида СССР билан Финляндия ўртасида икки томонлама муносабатларини янада ривожлантириш ҳақида ва ақтуал халқаро масалалар тўғрисида фикрлашиб олдилар. Давлат арибларининг суҳбатлари дўстона ва ошқора вазиётида ўтди.

СССР Министрлар Советининг Раиси ва Финляндия республикасининг президенти Урхо К. Кекконен 21 майда ватанига жўнаб кетди.

СТУДЕНТ-ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

Совет халқи коммунистик қурилишнинг истедодли ва ажойиб буюккорлари бўлган ёшларини билан фахрланади. Партия ва ҳукуматимиз ана шу қалби олов ёшларга таянади, уларга катта ишонч билдиради. Ёшларда коммунистик ахлоқ нормаларини, одоб ва ўзаро муносабатларини таркиб топириш ва тақомиллаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифадир.

Ёшларда коммунистик дунёқарашнинг шаклланишнинг умумий таълими, ахлоқий ва маданий савияси ўсиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда олий ўқув юртлари зиммасига улкан вазифалар юклатилади. Олий ўқув юртлари эришаётган муваффақиятлар фақат уларнинг моддий базаси ва ўқитган студентларгагина боғлиқ эмас. Бу — кўп жиҳатдан студент ёшларга пухта билим бериш ва уларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашга ҳам боғлиқдир.

КПСС Программасида, партия ва ҳукуматимизнинг олий ўқув юртларида таълим-тарбия ишларини яхшилашга қарата чиқарган қарорларида коммунистик онгли ва чуқур билимли, ақлий ва жисмоний меҳнатга лаёқатли, жамоат ва давлат ҳаётида, фан ва маданий соҳасидаги ишларда актив иштирок этадиган кишилар ештиришнинг конкрет йўл-йўриқлари кўрсатиб берилди.

«Биз ёшларни ўқитиш, уюштириш ва тарбиялаш ишини тўдан ўзгартирган вақтимиздагина... эски жамиятга ўхшамайдиган жамият, яъни коммунистик жамият яратишга муваффақ бўла оламиз, деб ёнган эди В. И. Ленин. — Шунинг учун, агар ёшлар коммунистик ёшлар номига муносиб бўлишни ҳақиқатан истасалар биз ёшларни иккига ўргатишимиз керак, улар қандай ўрганишлари керак ва бизнинг қўрабозилган нарсамизнинг уларнинг батомом кўриб охиригача еткази олишлари учун уларни бунга қандай тайёрлаш лозим, деган ҳуқуқсга батафсил тўхталиб ўтишимиз керак». Қўзғинаб турлибди, ёшлар ўртасида олиб бориладиган бугунги тарбиявий иш — коммунизм қўрувчилар буюк армиясининг эртанги авлодини тайёрлаш демакдир.

Студент-ёшларини замонавийнинг муносиб кишилари қилиб ештириш соҳасида тарбиявий ишнинг турли форма ва методларидан самарали фойдаланишмоқда. Бунда, айниқса студентлар ўртасида турли мавзуларга мунозаралар ташкил этиш, ахлоқ ва одоб юзасидан лекциялар уюштириш, викториналар ўтказиб туриш ва шунга ўхшаш турли формалар кўл келмоқда. Областикидаги олий ўқув юртларида таълим олаётган йигит-қизлар касб етказилари билан бирга юриш-туришда, ахлоқ ва одобда энг яхши ахлоқий фазилатлари ўзларида сингдирмоқдалар.

Бунда Олий ўқув юртлари ректоратлари, партия ва комсомол комитетларининг тадбиркорлик билан олиб бораётган ишлари ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда. В. И. Ленин

помидаги Тошкент Давлат университети, Тошкент Политехника институтини ва бошқа олий ўқув юртлари студентлари ўртасида таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Олий ўқув юртлари ёшларини тарбия қилишда ахлоқий ва маданий тарбиянинг асосий қисми бўлиб қолган меҳнат тарбиясини ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Ёшларнинг олижаноб фазилатлари уларнинг меҳнатсеварлигида, юксак онглилигида намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам институтларда меҳнат тарбиясига ёшларни тарбиялашнинг, маънавий камол топиришнинг мезони сифатида қаралмоқда. Авлодлар эстафетасининг чеки бўлмайди. 60-йиллар ёшлари ҳам ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган меҳнат тарбиясини руҳида тарбияланмоқдалар. Газетамизда Тошкент Политехника институтини студентларининг пайтахтимиздаги барча олий ўқув юртлари ва техникумлари ёшларига қарата мунозаралар босилаётди. Ташаббускор ёшлар учунги семестрни меҳнат семестри деб эълон қилиб, бошқаларини ҳам ўзларидан ўрнак олишга чақирдилар.

Бу йилги ёшга кайиқул студентлар учун чинакам қайиқ меҳнат мавсуми бўлади. Тошкент Давлат университети, Тошкент Политехника институтини ва бошқа олий ўқув юртлари учун қуриладиган янги ўқув корпусларини қад қўтаришда ҳамматни билади студентларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлади.

Ҳозирги буржуазия мафкурчилари асосий умидларини ёшларга, уларнинг таърибаскиликларига боғлаётган бир пайтда йигит-қизларини сиёсий маърифатли қилишни кенг қўламада авж олдириш, комсомол сиёсий маърифатини ўқувини тақомиллаштиришдан борот бўлмоғи лозим. КПСС Марказий Комитетининг «ВЛКСМнинг 50 йиллиги ва ёшларни коммунистик руҳида тарбиялаш вазифалари тўғрисида»ги қарориди кўрсатиб ўтилганидек, ёшлар ўртасида идеология ишини кучайтиришда комсомол сиёсий маърифат системасининг тўғралик, клуб ва семинар машгулотларидан кенг фойдаланиш керак.

Ўзбекистон Компартиясини Марказий Комитетининг XV Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, ижтимоий фанларини ўқитиш бир қатор олий ўқув юртларида талаба жаваб бермайди. Биз олий ўқув юртларида партия ташкилотлари тарбия ва ўқув ишлари савиясини ошириш, иттифоқчи мустахкамлаш, студентларнинг чуқур билим олиш учун кураш, уларда бўлган касбларга муҳаббат уйғотиш, граждонлик бурчи ҳамда жамият олдидаги масъулиятини англаш руҳида тарбиялашда комсомол ташкилотлари ва педагогик коллективларнинг фаолиятларига етарли раҳбарлик қилмаётдилар.

Студент-ёшлар билан ишлаш — муҳим вазифа. Йигит-қизларда жаррача-ленинча дунёқарашини, юксак ғоявий эътиқорини камол топириш каби яхши фазилатларини шакллантиришга эришайлик. Студент-ёшларимиз ўқишда ва юриш-туришда, одобда ҳаммага намуна бўлсинлар.

ИККИНЧИ КВАРТАЛ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРАЙЛИК

ПЕШҚАДАМЛАР

Этиқувчилик фабрикасида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақа қизгин борапти.

Меҳнатсеварлар шу йилнинг тўрт ойлик топиригини анча олтига билан бажаришди. Ишлаб чиқаришнинг бошқа техника-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам яхшиланди, жумладан меҳнат унумдорлиги салкам 3 процент ортди, иқтисод қилинган материаллар ва хом ашёлар ҳисобидан 2 мингта яқин буюм тивилди.

КОЛЛЕКТИВ ЗАҒАРИ

Янгийўл мебель фабрикаси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига мусобақани қизитиб, топириқларини эълон қилиш билан бажармоқда.

Мебелчилар шу йилнинг ўтган тўрт ойи планини муваффақиятли бажардилар. Савдо шохобчаларига юзлаб турли хил мебель буюмлари — шкаф, диван, «дам олиш» мебеллари тўплами,

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТ

Тошкентдаги 2-ун комбинат коллективи беш йилликнинг тўртинчи йилида анимасига олган юксак мажбуриятларини шараф билан бажармоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини тинмай механизациялаш, янги асбоб-ускуналарни ишга тушириш, иш вақтидан унумли фойдаланиш туфайли планларини доим олтига билан адо этишмоқда. Улар шу йилнинг тўрт ойи мобайнида маҳсулотни реализация қилиш топиригини 167,1 процент қилиб бажаришди.

Пландидадан ташқари 812,5 минг сўмлик маҳсулот берилди. Шу давр мобайнида ишчилар қўшимча 1800 тоннага яқин ун, 8,5 минг тоннадан кўпроқ омухта ем ва ўнлаб тонна геррамици ишлаб чиқардилар.

Ҳозирги вақтда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган ўнлаб кишилар нормани анча ошириб бажаришгилар.

А. КИМ.



БЕШ ИЛЛИК зарбдори Озола Ҳўжаева Тошкент трикотаж фабрикасининг тўқувчилари ўртасида дохилимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига авж олаётган мусобақада пешқадмлик қилмоқда. Суратда: ўртоқ О. Ҳўжаева.

М. Нуриддинов фотоси.

